“Autosanoat agro lizing” МЧЖга ишга қабул қилиш учун номзод билан ўтказилган суҳбат

Баённомаси № 16

Тошкент шаҳри 06.05.2024 йил

Иштирок этувчилар: Б.Каримов, О.Сайфуллаев, С.Атаматова, Х.Ниязалиев ва Ш.Ражабов.

Таклиф этилганлар: ишга қабул қилишга тавсия этилаётган номзодлар (А. Мадьярова, А. Ибрагимов)

КУН ТАРТИБИ

“Autosanoat agro lizing” МЧЖга ишга қабул қилиш учун номзод билан суҳбат ўтказиш.

Эшитилди: Жамият бош директори Каримов Бурхан Муминович, лизингга берилган қишлоқ хўжалиги техникалари лизинг олувчилар билан тузилган шартномалар талабларига биноан фойдаланилиши ва уларнинг ҳақиқий ҳолати мониторингини юргизиш ҳамда лизинг тўловларини графикларда белгиланган муддатларда ундирилишини таъминлаш мақсадида вилоятларда минтақавий филиаллар очилганини ва ушбу филиалларга малакали мутахассислар олиниши лозимлигини маълум қилди.

Шунингдек, Ходимлар ва иш юритиш бўйича бош мутахассис С.Атаматова бош директорнинг минтақавий филиаллар томонидан иш фаолияти давомида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар юзасидан берган топшириқлари ҳамда номзодлар билан суҳбат ўтказиш учун “Мониторинг ва маркетинг бошқармаси”, “Молия бўлими” ҳамда “Юридик бўлим” мутахассисларини жалб қилиш тўғрисидаги кўрсатмаларини айтиб ўтди.

Шунинг билан бирга, “Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий филиали” директори лавозимига тавсия этилган номзод Мадьярова Айжамал Токтарбаевна ҳамда бош мутахассис лавозимига тавсия этилган номзод Ибрагимов Ахмет Мамутовични таништирди.

Жамият бош директори Б.Каримов, бош директори ўринбосари - “Мониторинг ва маркетинг бошқармаси” бошлиғи О.Сайфуллаев, “Ходимлар ва иш юритиш бўйича” бош мутахассис С.Атаматова, “Мониторинг бўлими” бошлиғи Х.Ниязалиев, “Молия бўлими” бошлиғи Б. Холбоев ва “Юридик бўлим” бошлиғи Ш.Ражабовлар томонидан, “Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий филиали” директори лавозимига тавсия этилаётган номзод Мадьярова Айжамал Токтарбаевна ҳамда бош мутахассис лавозимига тавсия этилган номзод Ибрагимов Ахмет Мамутовичлар билан, уларнинг малакасини ўрганиш учун билими ва тажрибаси юзасидан савол-жавоб асосида суҳбат ўтказилди:

Мажлис иштирокчилари қарор қилади:

Ходимлар ва иш юритиш бўйича бош мутахассис С.Атаматова бош директорнинг филиаллар томонидан келгусидаги иш фаолиятида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар юзасидан берган топшириқлари ҳамда номзод билан суҳбат ўтказиш учун “Мониторинг ва маркетинг бошқармаси”, “Молия бўлими” ҳамда “Юридик бўлим” мутахассисларини жалб қилиш тўғрисидаги кўрсатмалари маълумот учун қабул қилинсин.

““Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий филиали” директори лавозимига тавсия этилаётган номзод Мадьярова Айжамал Токтарбаевна ҳамда бош мутахассис лавозимига

тавсия этилган номзод Ибрагимов Ахмет Мамутовичлар билан суҳбат ўтказилган деб ҳисоблансин ва унга келишув варағини расмийлаштириш ҳамда ишга қабул қилиш ишлари ташкил этилсин.

Раислик қилувчи **С.Атаматова**